

Яратганга интилиш инсоннинг фитратида бор



09:44 / 24.10.2018 3891

АҚШдаги Пенсильвания университети қошидаги Маънавият ва тафаккур Маркази мутахассисларининг фикрича мия шундай тузилганки, унда Парвардигор билан «мулоқот» қобилияти бор. Инсоннинг диний туйғулари бевосита физиологик асосга эга бўлиб, унинг бош миёси тузилиши билан белгиланади. «Мия шундай тузилганки, унда Парвардигор билан «мулоқот» қобилияти бор», – дейди марказ директори доктор Эндрю Ньюберг.

Тажрибалардан бирида олимлар медитация ҳолатидаги тибет роҳибларининг миёсини сканердан ўтказиб кўришди. Миёнинг диққат-эътиборни бошқариб турувчи қисмларида юқори даражадаги фаоллик кузатилган, айти пайтда, миёнинг орқа тепа қисмида эса фаоллик эмас, балки сустлик аниқланган. Ваҳоланки, Э.Ньюбергнинг айтишича, миёнинг

бу қисмидаги нейронлар тутами тананинг фазодаги жойлашувини бошқаради ва «ўз шахси билан атрофдагилар ўртасидаги тафовутни ҳис қилишга» хизмат қилади.

Шундай қилиб, медитация пайтида мианинг орқа қисмлари четдан ҳеч қандай сигнал қабул қилмайди ва нормал фаолият кўрсатишдан тўхтайтиди, бунинг натижасида инсонни абадиёт ҳисси чулғаб олади. Худди шундай тажриба ибодат қилаётган франциско роҳибалари устида ҳам ўтказиб кўрилди. Бу сафар ҳам сканер мианинг нутқ билан боғлиқ қисмларида фаоллик кучайганлигини, бироқ мианинг орқа қисмида фаоллик сусайганлигини кўрсатди.

Албатта, бу хулосалар Ислом ақидасидан мутлақо беҳабар кишилар томонидан чиқарилган бўлиб, уларни мутлақ ҳақиқат ёки илмий кашфиёт деб қараш тўғри бўлмайди. Бироқ, бу тажрибалар ибодат пайтида инсондаги руҳий ҳолат ўзгаргани каби физиологик ҳолат ҳам ўзгаришини кўрсатмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти